

Хабибулло САГДИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси доценти, PhD

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИДА ҲАНАФИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАЛҚИНИ

Ислом дини Арабистон ярим оролидан бошқа хуудларга, хусусан, Мовароуннахр диёрига кириб келган даврдан кўп вақт ўтмай, Самарқанд, Бухоро, Шош, Насаф, Хоразм каби шаҳарларда муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, ақоид илми уламолари етишиб чиқа бошладилар. Бундай уламолар орасида ақоид илми билан машғул бўлган “аҳли-сунна вал-жамоа” алломалари, ўша даврдаги турли “мубтадиъ” оқим вакиллари қарашларидан ҳақиқий, соғлом ислом эътиқодини сақлаб қолишдаги ҳаракатларини кўриш мумкин. Эътиборли жойи шундаки, улар дастлаб ўз асарларида асосан “аҳли-сунна вал-жамоа” ақидасини ғоят мухтасар шаклда, фақат хулосаларни баён қилиш услубида ёритиб берганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мовароуннахрлик уламоларнинг фикр ва ақоид илмидаги йўлбошчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг “Фикҳу-л-акбар” асари мазкур соҳа бўйича яратилган асарларнинг энг биринчиларидан ҳисобланади.

“Фикҳу-л-акбар” асари нафақат Мовароуннахр ҳудудида, балки ҳанафийлик мактаби етакчи ўринни эгалламаган бошқа ўлкаларда ҳам ақидавий манба сифатида асосий асар ҳисобланган. Шундай ҳудудлардан бирига шимолий Африкадаги Мисрни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳанафийлик мактабининг

Мисрдаги охирги кўзга кўринган вакилларида бири сифатида Абу Жаъфар Таҳовий (239 х. /853 – 321 х. /933)ни айтса бўлади. Мисрда Абу Ҳанифанинг мазҳаби анъанавий бўлмаган ва Таҳовий унинг шу ерлик издошларидан бўлган. Ҳанафийлик кенг тарқалган ва ҳукмрон бўлган Мовароуннахрда Таҳовийга замондош, ўз таълимот мактабига эга бўлган Абу Мансур Мотуридий (256 х. /870 – 332 х. /944) ҳам Имом Аъзамнинг издоши бўлиб, салмоқли ишларни амалга оширган. Мотуридий ҳам Таҳовий каби ўзининг ақидага оид асарларини Абу Ҳанифанинг эътиқодий рисоаларига асосланиб ёзган. Пойдевор Абу Ҳанифанинг эътиқодий қарашлари акс этган асарлар бўлишига қарамасдан, ҳар иккала ҳудуд олимларининг ақидавий китобларидаги мавзу ва масалаларни ёритишдаги услублари турлича баён этилган.

Жумладан, Абу Жаъфар Таҳовий ўзининг “Ақида” асарини бевосита “Фикҳу-л-акбар” асарида таъсирланиб ёзганлигини кўриш мумкин. У ўз асарида Абу Ҳанифанинг дунёқарашини исботлашга киришмасдан, эътиқодий масалаларни борица берган, далил келтиришнинг ўзгача янги услубини ишлатмаган. Бунда олимнинг асосий мақсади Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашларини лўнда, аниқ ва тизимли равишда баён этиш ҳамда асарда айтилган фикрларни тўла-тўқис анъанавий “аҳли-сунна вал-жамоа” мактаблари

тушунчаларига мос келтиришга ҳаракат қилган. Мотуридий эса мунозара (диалектика)га кўп урғу бериб, анъаначиларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда Абу Ҳанифанинг қарашларидан фалсафий негизларни ажратиб олиб, уларни ўзининг схолостик мулоҳазалари билан асослашга ҳаракат қилган.

Таҳовий ўз асарида фойдаланган услуб ва манбаларни қўллашда танқидий нуқтаи назардан ёндошганлиги номаълум. Аммо Мотуридийнинг ҳадисларни йиғиш ва ўрганишда танқидий усулни қўллагани унинг эътиқодий масалалардаги фикрларида ҳам сезилиб туради.

Абу Мансур Мотуридий қарашларининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш ва унинг ханафийлик эътиқодий масалаларга қўшган ҳиссасига баҳо бериш учун Абу Ҳанифанинг бу соҳадаги асосий қарашларига изоҳлар келтириш орқали, Мотуридий ҳамда Таҳовийларнинг эътиқодий мавзуларда тутган йўлларини киёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Абу Ҳанифа ўзининг эътиқодий таълимотини хавориж, қадарийлар, муътазилалар, рофизалар, жабарийлар ва муржибийларга қарши курашга қаратди. Абу Ҳанифа фақиҳлар орасида энг биринчилардан бўлиб ақидавий масалалар ва шариат қонунларини танқидий текширишни соддалаштирилган равишда муҳокама қилиш услуби ва тартибларини ишлаб чиқиб, қўллади. Шунинг учун Абу Ҳанифа ва унинг издошлари анъанавий рай ва қиёс аҳллари (асхабу-р-рай ва-л-қиёс), деб юритилади¹.

Имон моҳияти. Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, имоннинг иккита шарти бўлиб, дил билан тасдиқ ва тил билан иқрордан иборат². Таҳовий бу борада Абу Ҳанифага эргашиб, бирон-бир фикрни камайтирмасдан ёки кўпайтирмасдан, имоннинг шартларига тасдиқ ва иқрорни қиритган³. Мотуридий бу борада фақат дил билан

тасдиқлашнинг ўзи етарли, деб ҳисоблаган⁴. Мотуридий ва унинг жумҳур издошлари тил билан иқрорни имон ҳақиқатидан ташқари, дейдилар. Бундан ташқари, улар иқрорни фақат дунёвий ҳукмларнинг ижроси учун шарт қилганлар⁵. Баъзи мотуридийлар имонни тасдиқ ва иқрор деганлар. Буни Тафтазоний “Шарҳул-мақосид” китобида кўрсатиб ўтган⁶.

Аллоҳнинг зоти ва сифатлари. Абу Ҳанифа Аллоҳнинг зоти ва сифатлари борасида кўп баҳсга киришмасдан, Қуръон ва суннатда зикр қилинган хабарлар билан кифояланишни маслаҳат берган⁷. У Аллоҳнинг зотий сифатларини – ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, иродага ҳамда феълийларини – яратувчи, ризқ берувчи, ясовчи ва шу кабиларга бўлиб, қўл, юз, нафс, ғазаб, ризого ўхшаш сифатларини ҳам таъкидлаб, “Қандай?” деган саволни бермасликка, шунингдек, уларни таъвил қилмасликка қатъий ундайди⁸.

Таҳовий Аллоҳнинг сифатлари борасида ўзининг муайян бир ҳаволаларини кўрсатмаган. Фақат умумий сўзлар билан сифатлари борлигини маълум қилиб, уларни ҳатто турларга ҳам бўлмаган. Шунга қарамасдан, сифатларнинг абадий эканлигини қатъий равишда тасдиқлайди⁹. Мушаббиха вакилларига нисбатан ўзининг кескин қаршилигини билдирар экан, Аллоҳни таърифлашда Уни инсонга ўхшатганларни кофирликда айблайди¹⁰.

Мотуридий Абу Ҳанифа каби (ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, ирода,) зотий сифатларни исбот қилади ва яна “таквин” сифатини ҳам қўшимча қилади. Лекин уларни Аллоҳнинг зотидан бошқа нарса эмас, деган. Уларда зотдан алоҳида мавжудлик йўқ. Ҳатто уларнинг кўп бўлиши қадимларнинг кўп бўлишига олиб боради, деб ҳисоблаган¹¹.

¹ Мухаммад Абу Захро. Абу Ҳанифа ҳаятуху ва асаруху – арауҳу ва фикхуху. – Қоҳира: Дору-л-фикри-л-арабия, 1947. – С. 317 – 344; Ислам. Энциклопедический словарь (отв.сек. С.М.Прозоров). – Москва: Наука, 1991. – С. 24,137.

² Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т: ТИУ, 2006. – Б. 26; Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит. Фикху-л-акбар. – Ҳайдаробод: Доирату-л-маорифи-н-Низомия, 1924. – С. 10.

³ Ўша асар. – Б. 36; Таҳовий Абу Жаъфар. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия баяну ақидати аҳли-с-сунна вал-жамоа. – Байрут-Ливан: Дор Ибн Ҳазм, 1995. – С. 21.

⁴ Абу Мансур Мотуридий. Китабу-т-тавҳид. – Истанбул: Дору-л-Иршод, 2001. – С. 471 0 478;

⁵ Саъиддин Тафтазоний. Шарҳу-л-мақосид. – Байрут: Оламу-л-кутуб, 1998. – Ж.5, – С. 178 – 179.

⁶ Ўша асар. – Ж.5, – С. 176.

⁷ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Б. 27; Абу Ҳанифа. Фикху-л-акбар. – С. 11.

⁸ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Б. 21, 23; Абу Ҳанифа. Фикху-л-акбар. – С. 4 – 5, 6.

⁹ Ўша асар. Б.31; Таҳовий Абу Жаъфар. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. – С. 9 – 10.

¹⁰ Ўша асар. – Б. 32; Таҳовий Абу Жаъфар. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. – С. 13.

¹¹ Мотуридий. Китабу-т-Тавҳид. – С. 108 – 110.

Таквин тушунчасини Мотуридий Аллоҳнинг барча феълий сифатларига нисбатан ишлатган. Мотуридийнинг таъкидлашича, таквин азалий сифат бўлиши билан бирга, бошқа азалий сифат қудратидан фарқ қилади¹².

Мотуридий мактабининг давомчилари “юз” сифати ҳақида келган матнларни зот, яъни вужуд¹³ деб, “қўл”ни қудрат камоли¹⁴ ёки мулк ва миннат (яхшилик) деб, “ғзаб”ни интиқом ёки интиқомни ирода қилиш¹⁵, “ризоз”ни савоб¹⁶ маъноларида таъвил қилишади.

Аллоҳнинг Арши (тахт). Абу Ҳанифа Аллоҳнинг Арши борасида Қуръонда нима дейилган бўлса, шуни тасдиқлашни таъкидлаган. Жумладан, шогирдларидан бирининг саволларига жавоб бериши давомида: “Роббим осмонда ёки Ердами, билмайман”, деса, у Парвардигорнинг сифатларини билмагани учун кофирдир. “Мен Аршнинг осмонда ёки Ерда эканини билмайман”, деса ҳам кофирдир. Чунки у бу сўзи билан Аршнинг осмонда эканини инкор қилади. Ваҳоланки, Арш Иллийиннинг энг тепасидадир”, – дейди¹⁷. Шу билан бир қаторда аллома бу борадаги фикрларини давом эттириб, Аллоҳни Аршга ҳам, маконга ҳам муҳтож эмаслигини ҳамда ушбу нарсаларнинг ҳаммасини яратмасидан ҳам илгари мавжуд бўлганлигини маълум қилади¹⁸.

Таҳовий мазҳаббошининг фикрларига эргашган ҳолда Арш ва Курсийнинг ҳақ эканлигини тасдиқлаб, Аллоҳнинг уларга муҳтож эмаслигини маълум қилиб, У Зот барча нарсаларни Ўз сифатлари билан қамраб олган ҳамда улардан устун (олий), деб таъриф беради¹⁹.

¹² Ўша асар – С. 110 – 113.

¹³ Камолиддин Баёдий. Ишороту-л-маром мин ибарати-л-имам. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2007. – С. 189.

¹⁴ Ўша асар. – С. 189.

¹⁵ Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Насафий. Тафсиру-н-Насафий (Мадорику-т-танзил ва ҳақоику-т-таъвил). – Байрут: Дору-л-калима-т-тойиба, 1998. – Ж.1, – С. 33.

¹⁶ Ўша асар. – Ж.3, – С. 668.

¹⁷ Имом Аъзам: асарлар (Абдурашид Баҳромов таржимаси). – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 100; Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ал-Алим ва-л-мутаълим ва ялийҳи рисалати Аби Ҳанифа ила Усман ал-Баттий сумма ал-Фикху-л-Абсат. – Қоҳира: Матбуоти-л-анвар, 1949. – С. 49 – 51.

¹⁸ Ўша асар. – Б.108; Ўша асар. – С. 57.

¹⁹ Таҳовий Абу Жаъфар. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. – С. 19.

Мотуридий бу борада чуқурроқ фикрлашга киришади ва Қуръонда Арш тўғрисида келган зоҳирий қарашдаги, Аллоҳнинг бирон-бир маконда қўним топганлигига далолат қилувчи оятларни таъвил қилишга тушади. У “Арш муайян бир жой ва Аллоҳ ўша ерда ўтирибди ҳамда шу тахтга қараб, Яратувчи ҳақида фикр ҳосил қилса бўлади”, деган қарашларни инкор қилади. Шунингдек, “Аллоҳ ҳамма ерда”, деганларнинг ҳам эътиқодларини рад қилади. Мотуридийнинг шахсий нуқтаи назарига кўра, абадий, азалий ва жасадсиз бўлмиш Худо осойишталик, ўзгариш, ҳаракат ва кўчиб юришни тақозо қилувчи вақт ва макондан ҳоли. Қуръонда Арш ҳақида келган хабарларни тушунтирар экан, олим: “Бу оятлар фақатгина Аллоҳнинг яратувчилик вазифасига, назорат қилинадиган қудратга, мутлақ ҳокимиятга, ҳоли бўлишга, абадийликка далолат қилади ва билвосита Худонинг вақт ва маконнинг барча чекловларидан юқори туришини исботлайди”, деган²⁰.

Шунингдек, Мотуридий: “**Рохман Аршга истиво қилди**” (*Тоҳа сураси, 5-оят*) ояти у ҳақидаги хабарни Танзил (Қуръон) олиб келган ва бу ақлда ҳам собит бўлган. “Истиво” (олий бўлиш)ни ундан бошқа эҳтимолга кўра таъвил қилмаймиз. Унинг эҳтимоли ҳам бизнинг ақлимиз етмайдиган нарсадир. Маълум бўлган нарса шуки, у махлуқотларга ўхшамайди. Аллоҳ нимани ирода қилган бўлса, шунга имон келтирамиз”, деган сўзлар билан муфаввиза²¹ вакиллариининг фикрига яқин келади.

Арш масаласи тўғрисида баҳс кетганда, албатта, исломдаги турли оқим ва мазҳаблар орасида “истава”, яъни Аллоҳнинг ўзига хос равишда олий бўлиши сифати мавзуси ҳам кўтарилади. Бу масалада келиб чиққан ихтилофлар Аллоҳнинг Аршда қандай ҳолатда туриши, Худо аслида Аршни макон қилишга ҳожатмандми, Арш аслида қаерда жойлашган, каби саволлар доирасида юзага келган. Қуръонда қуйидаги 7 та сураларда: Аъроф

²⁰ Мотуридий. Китабу-т-Тавҳид. – С.131 – 141.

²¹ Исломдаги Хашавий гуруҳи вакиллари бўлиб, улар Аллоҳнинг сифатлари борасида келган оят ва ҳадисларни таъвил қилмайдилар. Қаранг: Доктор Абдулмунъим Хафний. Мавсуъату-л-фирақи ва-л-жамоати ва-л-мазаҳиби-л-исламия. – Қоҳира: Дору-р-ришод, 1993. – С. 375.

(54-оят); Юнус (3-оят); Раъд (2-оят); Тоҳо (5-оят); Фурқон (59-оят); Сажда (4-оят); Хадид (4-оят) “истава” масаласига доир маълумотлар баён қилинган. Бу борада хулоса сифатида Молик ибн Анаснинг (92 ҳ./711 – 178 ҳ./795) “истава” борасида айтган сўзларидан маълумот олиш мумкин. Унда: “Абу Нуайм Жаъфар ибн Абдуллоҳдан қилинган ривоятга кўра, бир киши Имом Моликнинг олдида кириб, “истава” ҳақида сўраганида, у киши шундай жавоб беради: “Истава” нима эканлиги маълум, лекин унинг қандай эканлиги (кайфияти) номаълум. “Истава”га имон келтириш вожиб, лекин у ҳақда савол бериш бидъат. Демак, сен бидъатчисан! Шунинг учун менинг ҳузуримдан чикиб кет!”²², деган маълумот келтирилади.

Аллоҳнинг Калом сифати ва Қуръон. Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, Қуръон Аллоҳнинг каломи (нутқ). Аллома: “Аллоҳ ушбу каломи орқали Мусо билан гаплашган ва Унинг бу сифати айнан ўша пайт пайдо бўлмаган, балки у азалдан бўлган”, дейди. Яна у: “Чунки калом Аллоҳнинг зотий сифати бўлиб, инсон ва яратилганларники каби махлуқ эмас”, деб таъкидлайди²³.

Таҳовий Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръон ҳақида эҳтиёткорлик билан сўз юритади. Бу мавзу ислом дунёсида, оқимлар орасидаги муҳим масала бўлгани учун, олим ўз фикрларида Қуръондаги оятдан (*Муддассир сураси, 25 – 26-оятлар*) далил келтиради. Шу билан бирга, Аллоҳнинг калом сифатини инсоннинг сўзига ўхшатганлар диндан чикиб, дўзахга маҳкум бўлишларини таъкидлайди²⁴. Хусусан, Таҳовий Аллоҳнинг бу сифати товуш, восита ва яна бошқа ҳолатлар билан бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида маълумот келтирмайди.

Мотуридий Худонинг илоҳий сўзи (Аллоҳнинг каломи – Қуръон) борасида: “Ҳамма бошқа сифатлар каби (нутқи ҳам назарда тутилган – Қуръондан бошқа) инсонларникига ўхшамаган ҳолда абадий”, деб таъкидлайди. Бу абадий сўз ёки гаплашиш

сифатининг аниқ табиати маълум эмас, лекин шу нарса аниқки, у инсон нутқи каби товуш ва ёзув белгиларидан иборат эмас, сабаби, улар яратилган. Мотуридийнинг фикрига кўра, фақатгина “ифодаланган сўзларнинг маъно”сини Аллоҳнинг каломи, деса бўлади. Бу Худода азалдан бор бўлган “маъно”ни яратилган товуш орқали эшитиш ва тушуниш мумкин. Мусо ҳам бу азалий сўзни эшита олмаган, аммо Худо яратилган жумлалар ва товушлар орқали унга эшитиш ва тушуниш имконини берганлиги ҳақидаги фикрларини билдиради²⁵.

Аллоҳни кўриш масаласи. Меърож кечаси билан боғлиқ бу масала атрофида мусулмонлар орасида кенг доирада баҳслар вужудга келиб, натижада қуйидагилар юзага келди: а) Аллоҳни бу дунёда кўриш мумкин эмас; меърож кечасида Аллоҳни бир ўзи кўрган Пайғамбар Муҳаммаддан бошқа ҳеч бир инсон Уни бу дунёда кўрмаган ва кўра олмайди ҳам; б) Аллоҳни имонли кишилар жаннатда кўришлари мумкин. Шунга қарамадан, бу борада ягона бир тўхтамга келинмаган. Бу саволга бир неча бор қайтилган ва аксар ҳолларда Аллоҳнинг сифатлари тўғрисида инсоннинг ақли етмайдиган масалада чуқурлашмасдан, ишонган ҳолда қолишга чақириқлар бўлган.

Аллоҳни кўриш концепцияси мужассимлар учун Яратувчи ҳақидаги ўз эътиқодларини очикчасига тарғиб қилиш воситасига айланди. Уларнинг таъкидлашича: “Худони жаннатда кўриш мумкин экан, демак, У жисм ва шаклга эга, шундай экан, Аллоҳни бу дунёда ҳам кўриш мумкин ва Яратувчи бирон-бир чиройли инсон қиёфасига кира олади”. (Бу эса “аҳли-сунна вал-жамоа” фикрига кўра, бидъат ёки адашишлик.)

Муътазилалар эса бу хушбахт кўриш масаласини мажозий маънога буриб тушунтирадilar.

Абу Ҳанифа Аллоҳни кўриш масаласида мужассимларнинг қарашларидан ҳам, мажозий маънога буришдан ҳам воз кечади. Унинг фикрича, У Зотни кўришга имонли кишилар жаннатда ўз кўзлари билан сазовор бўладилар, аммо бу кўриш бирон-бир маконга, йўналишга, масофага оид бўлмай, кайфиятсиз ва ўхшатувларсиз амалга ошади²⁶.

²⁵ Мотуридий. Китабу-т-Тавҳид. – С. 116 – 123.

²⁶ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Б. 26; Абу Ҳанифа. Фикху-л-акбар. – С. 10.

²² Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Абдулбарр. Ат-Тамҳид лима фи-л-мувагъто мина-л-маъаний ва-л-асанид. – Марокаш (Работ): Визарату-л-авқоф ва шууни-л-исломия, 1979. – Ж.7, – С. 151.

²³ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Б. 22; Абу Ҳанифа. Фикху-л-акбар. – С. 5 – 6.

²⁴ Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Б. 32, 36; Таҳовий Абу Жаъфар. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. – С. 12-13, 20.

Таҳовий айнан Имоми Аъзамнинг қарашларида қолади, У Зотни кўришга Қуръондан (*Қиёмат сураси 22 – 23-оятлар*) далил келтириб, “Жаннат аҳли Аллоҳни ўз кўзлари билан, кайфиятсиз ва Уни қамраб олмайдиган ҳолда кўрадилар”, дейди²⁷. Бу борада барча саҳиҳ ҳадисларга бешак ишониш лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек, Аллоҳни кўришни мажозий таъвил қилганларга: “Унинг кайфияти ҳаёл ёки фикр билан белгиланмайди, балки фақат кўзи билан кўришни ҳақ, деб билиш орқали бўлади”, дейди²⁸.

Мотуридий ҳам умумий олганда, анъанавий “аҳли-сунна вал-жамоа” вакиллари нуктаи назарларини қўллаб-қувватлайди ва мушаббиха йўналиши аъзоларининг фикрларига “Қуръон ва суннат матнларида келган далилларни ҳеч қанақасига таъвил қилиб бўлмайди”, деб қарши чиқади. Олимнинг асосий далилларида бири шуки, бу дунёдаги моддий объектни кўриш ҳолатини жисмга эга эмас ҳамда вақт ва макон билан чегараланмаган Аллоҳга татбиқ этиб бўлмайди. Мотуридий Аллоҳни кўриш қиёмат аломатларидан экани ва у кун ҳолатлари Аллоҳнинг илми билан ҳосланганини айтади. “Унинг кайфияти ва ҳолатларини инсон билмайди. Фақат у ҳақида келган ибораларни кайфиятсиз билади холос”, деб таъкидлайди²⁹.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида келтирилган маълумотларда Таҳовий ақида илмига ҳеч қандай янги эътиқодий масала ёки ўрганиш тизимини олиб кирган эмас, аммо мазҳабдаги устозининг бу соҳадаги қарашларини йиғишга ва ўзининг тилида баён этишга ҳаракат қилган. Таҳовий замондошлари – Мотуридий ва Ашъарийларга ўхшаб эътиқодий мактабига эга бўлмаса ҳам, унинг фикрлари натижасини Абу Ҳанифанинг энг муҳим ақидавий масалалардаги қарашларининг ўзгача услубдаги талқини, деб ҳисобласа бўлади. Таҳовий ақидасининг муҳим жиҳати шундаки, у устозининг эътиқодий қарашларини охириги нуктасигача тушунтиради. Кўп ҳолларда Абу Ҳанифанинг издошлари унинг қарашларини тушунишда турли хил нуктаи назарларда бўлишган. Таҳовий эса бу қарашлардаги шубҳали ва чигал кўринган

масалаларни Абу Ҳанифа тутган йўлга асосланиб изоҳлаган.

У ақидавий асарида фақат бирон-бир мутафаккирнинг қарашларига қарши эмас, балки исломдаги турли оқим ва гуруҳлар эътиқодларига умумлаштирилган, асосан нақлни устун қилган ҳолда раддия берган. Шу усули билан кўпчилик мусулмонлар ичида ҳамда ислом ўқув масканларида катта обрў қозонган. Мотуридий эса мазҳаббошининг фикрларини омма мўминлар тушунадиган тилда эмас, балки мантиқ илмидан хабардор бўлган тор доирадаги эътиқод қилувчиларга хос равишда талқин қилишга ҳаракат қилган. Олимнинг бундай йўл тутишининг асосий сабаби, исломдан бошқа кўплаб динлар ҳамда исломдаги бир нечта оқимлар, гуруҳлар ва уларнинг мутафаккирларига қарши раддияларни билдиришда барчаларини ўйлашга қорлайдиган йўлни афзал кўрганлигида. Буни унинг «Китаб-ут-тавҳид» асарида кўриш мумкин. Ушбу дин, оқим, гуруҳ мутафаккирлари билан баҳслар олиб бориши ва қиёсний қўллаши натижасида уларнинг эътиқодий фикрлари Мотуридий қарашларининг шаклланишига қисман бўлса-да, ўз таъсирини кўрсатган. Ўз навбатида, Ибн Асокирнинг фикрларига изоҳ берар экан, ҳанафий олим Муҳаммад Зоҳид Кавсарийнинг: «Ашъарийлар, муътазилийлар ва муҳаддислар ўртасида, мотуридийлар муътазилийлар ва ашъарийлар ўртасида»³⁰, – деган гаплари шунга далолат қилади.

Таҳовийнинг таълимотлари ақида илмига қўшган унча катта бўлмаган хизматлари билан эмас, балки ўзининг замонаси талабадаги саволларга Абу Ҳанифа қарашларининг йиғиндиси орқали аниқ, содда ва лўнда жавоб берганлиги билан аҳамиятли. Келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилса бўлад-ки, Абу Ҳанифанинг издошларидан бири – Таҳовий шимолӣ африкалик, иккинчиси – Мотуридий эса Мовароуннаҳр ҳудудидан бўлишига қарамай, ҳанафий эътиқодини тушунтиришда бирларининг нақлий далилларни биринчи даражага қўйиши, бошқасининг эса ақлга кўпроқ урғу бериши натижасида бу икки қараш бири-бирини тўлдириб келганига гувоҳ бўлиш мумкин.

²⁷ Ўша асар. – Б. 33; Таҳовий Абу Жаъфар. Матну-л-ақидати-т-Таҳовия. – С. 13.

²⁸ Ўша асар. – Б. 33; Ўша асар. – С. 14 – 15.

²⁹ Мотуридий. Китабу-т-Тавҳид. С. 141 – 150.

³⁰ Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асокир. Табиъу-л-казби-л-муфтарӣ фима нусиба ила-л-имам Аби-л-Ҳасан ал-Ашъарий. – Дамашқ, 1929. – С. 19.